
Диққат танлов!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **"Ёнғин хавфсизлиги аълочиси" танлови**ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2023 йил 24 ноябрдаги 620-сон қарорига асосан 2024 йил октябр–декабр ойларида [танлов ўтказилади](#).

танлов ёнғин чиқиш хавфи бўйича **1-гурухга мансуб** объектларга эга республикадаги **тадбиркорлик субъектлари ўртасида** ўтказилади;

танловда иштирок этиш учун аризалар **"tanlov-fvv.uz" домени ёрдамида "One ID" орқали** танлов платформасида **рўйхатдан ўтиш лозим**;

танловда иштирок этиш **бепул**;

тадбиркорлик субъектига қарашли объектда **сўнги 12 ой давомида** ёнғин содир бўлган бўлса, ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида давлат ёнғин назорати органининг ёзма кўрсатмаси ёхуд объект ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосаси берилган бўлса танловда иштирок этиш учун **аризаси қабул қилинмайди**;

танловда ғолиб деб топилган номзод **100 млн сўм** миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши ҳамда унинг фаолияти танлов натижалари расмий эълон қилинган кунидан кейинги **икки йил давомида давлат ёнғин назорати органлари томонидан текширилмайди**.

Танловда иштирок этиш учун аризалар ва танлов материаллари аризалари **"tanlov-fvv.uz" домени ёрдамида "One ID" орқали 2024 йил 10 сентябрдан 30 сентябр кунига қадар қабул қилинади**.

2024-09-16 14:20:40